

**“Наманган йўл хўжалиги ходимлари  
малакасини ошириш ўқув маркази”  
унитар корхонаси**

**У С Т А В И**

**I. Умумий қоидалар**

1. “Наманган йўл хўжалиги ходимлари малакасини ошириш ўқув маркази” унитар корхонаси (кейинги ўринларда - “Марказ”) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2776-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда - “Муассис”) ташкилий тузилмасига киритилган.

2. Муассиснинг 2017 йил 29 мартдаги 08-сонли буйруғига асосан Наманган йўлчилар малакасини ошириш ўқув маркази - “Наманган йўл хўжалиги ходимлари малакасини ошириш ўқув маркази” унитар корхонаси этиб қайта номланган.

3. “Наманган йўл хўжалиги ходимлари малакасини ошириш ўқув маркази” унитар корхонаси Наманган йўлчилар малакасини ошириш ўқув марказининг ҳукуқий вориси ҳисобланади.

4. Марказнинг тўлиқ номи:

ўзбек тилида - “Наманган йўл хўжалиги ходимлари малакасини ошириш ўқув маркази” унитар корхонаси (қисқартмаси – “Наманган ўқув маркази” УК);

рус тилида – Унитарное предприятие “Наманганский учебный центр повышения квалификации работников дорожного хозяйства” (қисқартмаси – УП “Наманганский учебный центр”).

5. Марказ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади ва унинг фаолият муддати чекланмаган.

6. Марказ Муассиснинг унитар корхонаси ҳисобланади.

7. Марказ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг

қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Муассиснинг қарорлари, фармойишлари ва буйруқларига, мазкур Уставга ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

8. Марказ ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида амалга оширади ва бевосита Муассисга бўйсунади.

9. Марказ Уставига ўзгартеришлар Муассиснинг қарорига кўра киритилади ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

10. Марказ Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ўз номи давлат тилида ёзилган бланкаларга, думалоқ мухрга, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банкда ҳисоб рақамларига, шунингдек хорижий валюта ҳисоб рақамига эга бўлади.

11. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқукларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

12. Марказ давлатнинг бошқа корхонаси муассиси бўлишга ҳақли эмас.

13. Марказнинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Саноат кўчаси, 19 уй.

## **II.Марказнинг мақсади ва асосий вазифалари**

14. Марказнинг асосий мақсади - йўл қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш, сақлаш ва лойихалаш бўйича ташкилот ва корхоналарга илмий-техник хизмат қўрсатиш, автомобиль йўллари тармоғини ривожлантиришда ва такомиллаштиришда жорий ва истиқболли режа ва концепцияларни ишлаб чиқиш, илмий-техникавий дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш ҳамда мутахассисларнинг малакасини ошириш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ўқитиш, илмий тадқиқотларни амалга ошириш хисобланади.

15. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари хисобланади:

- қурилиш материаллари ва конструкцияларини синаш, автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш технологиясини ҳамда сифатини илмий экспертиздан ўтказиш;
- лойиха-смета, конструкторлик ҳужжатларини тайёрлаш, йўл соҳасига оид меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- янги, тежамкорликни таъминловчи технологиялар ва материаллар бўйича изланишлар ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича ишлар олиб бориш;
- йўл соҳаси мутахассисларини ўқитиш, малакасини ошириш, улар учун ўқув-методик ҳужжатлар тайёрлаш ва таъминлаш, ахборот-ноширлик,

консалтинг хизматлари кўрсатиш, инженеринг, воситачилик, дилерлик ва бошка хизматларни бажаришда ёрдам бериш;

- йўл соҳасига тегишли Республика ва халкаро миқёсдаги меъёрий хужжатларни, уларнинг таркибий тизимларини, муҳандислиқ, иктиносидий ва молиявий таъминот асосларини ўрганиш ва уларни таққослаш, хамда амалдаги меъёрий хужжатларни такомиллаштириш бўйича, жаҳон илғор амалиётини маҳаллий шароитларда тадбиқ этиш бўйича таклифлар киритиш;
- йўл хўжалигини юритишнинг илмий асосланган, тежамкор хамда унумли усуулларини ишлаб чиқиш ва улар бўйича ваколатли ташкилотларга таклифлар киритиш;
- автомобиль йўллари ҳолатини ва транспорт фойдаланиш даражаларини ўрганиш, уларни хатловдан ўтказиш ва паспортлаштириш, улардаги транспортлар қатновини ва тезлигини хисобга олиш, хамда ахборот ва маълумотлар банкини ташкил қилиш, йўллардан фойдаланиш лойихаларини тайёрлаш;
- харакат хавфсизлиги хизматини ташкил қилиш бўйича хужжатлар ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ қилишга қўмаклашиш;
- харакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурлар, лойихалар ва таклифлар ишлаб чиқиш;
- автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш ва қайта куриш ишларини, хамда йўл тармоқларини такомиллаштириш ва ривожлантиришни техник ва иктиносидий асослаб бериш, уларни жорий ва истиқболли режа ва концепцияларини ишлаб чиқиш, йўл тармоғини илмий-техникавий ривожлантиришдаги устувор йўналишларини аниклаш, кўшма илмий-техникавий дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга тадбик қилиш;
- диагностика қилиш ишларини амалга ошириш;
- автомобиль йўллари ва ундаги иншоотларни лойихалаш, экспертизадан ўтказиш, йўл ишларини илмий экспертизадан ўтказиш, йўл қурилиш материаллари баҳоси ва йўл ишлари сметаларини ишлаб чиқиш, уларни амалда қўллаш бўйича қўлланмалар яратиш;
- автомобиль йўлларини эстетик ва меъморий безаш лойихаларини ишлаб чиқиш ва изланишлар олиб бориш;
- автомобиль йўлларида фавқулотда содир бўладиган табиий оғатларни олдини олиш бўйича лойиха ва техник-муҳандислик таклифларини тайёрлаш;
- корхона ва ташкилотларда йўл соҳаси бўйича лабораториялар ташкил қилишда қўмаклашиш;
- корхона ва ташкилотлар хамда лабораторияларда ишлатилаётган ўлчов ва синов-асбоб ускуналарга метрологик хизматини ташкил қилиш;

- автомобиль йўлларини лойихалаш, қуриш ва таъмирлаш ишларида, қурилиш материаллари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришда, хом-ашё ва маҳаллий материаллар ва грунтлар хоссаларини аниқлаб бериш, тош ва қум каръерларини, АБЦ, ЦБЦ кадастрини, технологик регламентларини ишлаб чиқиш;
- қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда, ҳамда автомобиль йўлларини қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ишларини бажаришда амалдаги меъёрий хужжатлар ва халқаро стандартлар асосида шартномалар бўйича техник назоратни олиб бориш;
- илмий-текшириш ва тажриба синов ишларини олиб бориш, иктиносидий самарадор, хом ашё ва ёнилғи тежкамкор материал ва конструкциялар, ҳамда технологиялар яратиш бўйича изланишлар олиб бориш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш, маҳаллий ва ишлаб чиқаришни иккиламчи маҳсулотларини кўпроқ ишлатишни йўлга қўйиш;
- автомобиль йўлларини таъмирлаш ва қурилиш ишларига янги техника, кичик йўл қуриш механизмлари, жихозлари, ускуналарини тадбиқ қилиш, хорижий жихозлар ва технологиялар сотиб олиш бўйича техник иктиносидий асослаш лойихаси ва тендер хужжатларини тайёрлаш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш;
- атроф-мухит муҳофазаси ва меҳнат хавфсизлиги бўйича лойихалар ишлаб чиқиши ва таклифлар киритиш;
- кўприкларни лойихалаш, паспортлаш ва синовдан ўтказиш ишларини амалга ошириш;
- қурилиш ва лойиха ишлари учун мухандислик қидирав, геодезия ишларини олиб бориш ва йўл кадастрини юритиш;
- хайдовчилик курсларини ташкил қилиш, хайдовчилик гувоҳномаларини лицензия асосида бериш;
- ташкил иктиносидий фаолият юритиш;
- фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги доирасида бошқа фаолият турлари билан шуғулланади.

16. Лицензия ёки маҳсус рухсат талаб қилинадиган фаолият турлари, ўрнатилган тартибда лицензия ёки маҳсус рухсат олингандан сўнг амалга оширилади.

### **III. Муассиснинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

17. Муассис қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўйидаги хуқуқларга эга:

Марказ фаолиятининг мақсади, вазифалари, функциялари, предмети, турларини белгилаш;

Марказ Уставини тасдиқлаш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда бекор қилиш;

Марказ директорини тайинлаш, у билан меҳнат шартномасини тузиш ва тузилган меҳнат шартномасини белгиланган тартибда муддатидан олдин бекор қилиш;

Марказни қайта ташкил этиш ва (ёки) тугатиш, номини ўзгартириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Марказ мулкига оид битишувларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш;

Марказнинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкини белгиланган тартибда олиб қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

Марказ соф фойдасини тасарруф этиш ва уни сарфлаш йўналишларини белгилаш;

Марказга етказилган заарларни ундириш тўғрисида Марказ директорига нисбатан даъво тақдим этиш;

Муассис томонидан Марказга берилган мулк ҳисобидан фойдаланишдан тушган соф фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган барча хуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш.

#### 18. Муассис қуидагиларга мажбур:

Марказ директорини тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ директор билан меҳнат шартномасини тузиш;

Марказга берилган мулқдан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш.

### **IV. Марказнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

#### 19. Марказ қонун хужжатларида белгиланган тартибда қуидаги хуқуқларга эга:

Республика йўл хўжалиги фаолиятидаги барча масалалар бўйича тегишли давлат бошқарув идораларига таклифлар, фикр-мулоҳазалар киритиш;

ишлиб чиқаришнинг моддий-техник таъминоти масалаларини мустақил ҳал қилиш;

аниқ иш турларининг ижрочисини танлаш;

мехнат унумдорлигини ошиши ва ишларнинг сифатини таъминлайдиган меҳнатга ҳақ тўлашнинг турли шаклларини қўллаш;

мехнат жамоасининг ижтимоий ривожи масалаларини ҳал килиш;

белгиланган тартибда банклардан турли кредитлар олиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган барча ҳуқук ва имтиёзлардан фойдаланиш.

20. Марказ директори Марказнинг якка ижро этувчи органи ҳисобланади ва Марказ олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, Марказ номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди. Марказ номидан битимлар тузади ва уларни белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлайди, ходимларни ишга қабул қиласди, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва бекор қиласди, буйруқлар чиқаради, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради.

21. Марказ директори Марказга юклатилган вазифа ва мажбуриятларга мувофиқ Марказ фаолияти ташкил этилиши учун шахсан жавоб беради.

22. Марказ бошқарув ходимларининг штат бўйича сони ва уларнинг лавозим тариф разрядлари Марказ директори томонидан Муассис билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

23. Марказ директори Муассис олдида Марказ Уставида белгиланган тартибда Марказ фаолияти тўғрисида ҳисоб беради.

24. Марказ директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Марказ манфаатларини қўзлаб ҳаракат қиласди ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенгглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан Марказга берилган мулк йўқолган тақдирда, Марказга етказилган заарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Марказ қўйидагиларга мажбур:

Марказга берилган мулқдан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига қатъий равишда риоя қилиш.

## **V. Марказнинг устав фонди**

26. Марказнинг устав фонди 64 458 062 (олтмиш тўрт миллион тўрт юз эллик саккиз минг олтмиш икки) сўм миқдоридаги асосий воситалардан ташкил топган ва тўлиқ шакллантирилган.

27. Марказнинг устав фонди Муассиснинг қарорига мувофиқ кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Устав фондининг кўпайтирилганлиги ёки камайтирилганлиги Марказ уставига бу ҳақда тегишли ўзгартириш киритилиб, ушбу ўзгартиришлар Муассис томонидан тасдиқланган ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин кучга киради.

28. Марказнинг устав фондини кўпайтириш Муассиснинг қўшимча улушлари ҳисобидан ёки Марказ соф фойдаси ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Марказ устав фондини Марказ соф фойдаси ҳисобидан кўпайтириш тўғрисида қарор Марказнинг ушбу қарор қабул қилинадиган йилдан олдинги йилги бухгалтерия ҳисботи маълумотларига асосан қабул килинади. Марказ устав фондини камайтириш Муассис қарорига асосан амалга оширилади.

29. Марказ мулки давлат мулки ҳисобланади, ҳамда:

Муассис томонидан Марказга бириктирилган (берилган) мулк;  
Марказнинг ўз фаолиятидан олинган даромадлари;  
қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбаалар ҳисобига шакллантирилади.

Марказ мулкининг қиймати унинг мустақил балансида акс эттирилади.

30. Марказ мулки бўлинмас мулк ҳисобланади.

31. Марказ мулкини тасарруф этиш қуйидаги ҳолларда Марказнинг директори томонидан факат Муассис билан келишган ҳолда амалга оширилади:

асосий воситаларни балансдан чиқариш, сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;

мулкни бошқа хўжалик жамияти устав фондига улуш сифатида қўшиш;

хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш;

хўжалик жамиятларидаги Марказга тегишли акциялар (улушлар)ни сотиш;

мулкни Марказ фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

## **VI. Марказнинг фойдаси**

32. Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга барча солиқлар ва бошқа мажбурий түловлар тўлангандан кейин Марказ ҳисобида қоладиган соф фойда унинг ихтиёрида қолади.

33. Марказ соф фойдасини тасарруф этиш Muассис билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

34. Марказ ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига Muассиснинг розилиги билан захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

35. Muассис билан келишилган ҳолда Марказда ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш ҳамда ижтимоий мақсадларда фондлар ташкил этилиши мумкин.

36. Марказ Muассиснинг марказлашган жамғармасига соф фойдаси ҳисобидан тўловларни тўлашни ўрнатилган тартибда ташкил қиласи.

## **VII. Марказнинг жавобгарлиги**

37. Марказ ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Марказ Muассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Muассис Марказнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

## **VIII. Марказ фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш**

38. Марказни Muассис томонидан ўрнатилган тартибда тайинланган директор бошқаради. Марказнинг директор ўринбосари, бош мухандиси ва бош ҳисобчиси Muассис билан келишилган ҳолда Марказ директори томонидан тайинланади.

39. Марказ ҳисбот даври тугагач, ваколатли органларга молиявий ҳисботни ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

40. Марказ ҳисбот даври (чораклик, йиллик) якуни бўйича Muассисга ўрнатилган тартибда баланс ҳисботларини (молия, бухгалтерия, статистик ва бошқа ҳисботлар) топширади.

41. Марказ фаолиятини хўжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Muассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

## **IX. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш**

42. Марказ Муассис қарори билан қонун хужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

## **X. Яқуний қоидалар**

43. Ушбу Уставда тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

44. Устав қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказилган кундан бошлиб кучга киради.